



FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Худоёров Абдулло Нуруллоевич

БухДУ Психология мутахассислиги магистранти

БЎЛАЖАК ПЕДАГОГДА КАСБИЙ РЕФЛЕКЦИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ НИНГИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ШАРТЛАРИ

Аннотация

ушбу мақолада бўлажак педагогда касбий рефлексияни ривожлантиришнинг ижтимоий-психологик шартлари ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: педагог, ижтимоий-психологик, ривожлантириш, рефлексия, касб, ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини тарбиялаш.

Жаҳоннинг барча мамлакатларида иқтисодий ва сиёсий соҳаларида давом этаётган ўзгаришлар муносабати билан ижтимоий соҳалардаги табиий ўзгаришлар таълим соҳасини ривожлантиришнинг ижтимоий-психологик шартларини асослаш ҳамда малакали педагогларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Олий таълим тизими таълим даврида бўлажак ўқитувчининг ўз-ўзини ривожлантириш, ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини тарбиялаш ва янада узлюксиз ўз-ўзига таълим беришга қодир самарали шахсий ва касбий ўсиши учун зарур шарт-шароитларни яратишга мўлжалланган.

Дунё миқёсидаги етакчи университетлар таълим тизимида бўлажак педагогдаги рефлексивликнинг ривожланишини замонавий педагогнинг касбий фаолиятини индивидуал услубини топишга ёрдам беришига, унга профессионал ва шахсий ўз-ўзини хурмат қилиш, унинг фаолияти натижаларини башорат қилиш ва таҳлил қилиш имконини беришига, ўз-ўзига таълим беришга қодир бўлган самарали шахсий ва касбий ўсиши учун зарур шарт-шароитлар, психологик-педагогик мақсад ва қадриятлармураккаб ва кўп даражали таркибий хусусиятларни фаол шаклланишига

доир тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хориж психологларининг илмий тадқиқотлари хулосаларида қайд этилишича, бўлажак педагогларда рефлексивликни шакллантириш ва ривожлантириш ўз-ўзини ривожлантириш ҳолатини аниқлаш жараёни ва натижаси бўлиб, касбий компетентликнинг ортиб бораётган талабларига мувофиқ тезда қайта тайёрлаш ва педагогик фаолиятини қайта тиклаш имконини бериши муҳим заруратдир.

Касбий рефлексияни самарали ривожлантиришнинг ижтимоий-психологик шартлари мавзуси тадқиқотчиларнинг эътиборини ўзига жалб қилган ва ижтимоий психология ҳамда шахслараро муносабатлар психологиясини ўрганишда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди.

Педагогик кадрларнинг инновацион фаолиятга психологик тайёрлиги (Д.Г.Мухамедова), касбий ўз-ўзини англашнинг психологик хусусиятлари (Р.Б.Кудратуллаева), индивидуално-типологические особенности мслителной деятельности (Р.И.Суннатова), рефлексив қобилиятлар (В.А.Метаева, С.А.Павлова, Л.Б.Сабитова ва б.қ.), шахсий рефлексия (Е.П.Башаева, Е.И.Мишина, В.Ф.Орлов ва б.қ.), педагогик рефлексия (Н.М.Манахова, С.В.Неделина, Г.Г.Эрнст ва б.қ.), рефлексив фаолият (В.Д.Гаврилов, Е.Л.Счева, П.Л.Фатахов ва б.қ.), касбий фаолият шароитида рефлексияни ривожлантириш (В.Ф.Орлов, А.А.Бехоева, Т.В.Юрова ва б.қ.)ни ўрганишга бағишланган.

Замонавий олий ўқув юрти шароитида бўлажак педагогнинг касбий рефлексиясини ривожлантиришнинг ижтимоий-психологик шарт шароитларини бевосита ўрганишга бағишланган тадқиқот ўтказилмаган. Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида ўрганилаётган муаммонинг ижтимоий аҳамияти, педагогик амалиёт эҳтиёжлари ва илмий ривожланмаганлиги ушбу тадқиқот мавзусининг мақсадга мувофиқлигини асослайди.

Ўрганилаётган масала бўйича ўтказилган илмий адабиётлар таҳлилининг кўрсатишича, бугунги кунда психологияда касбий рефлексия муаммоси ўз-ўзини англаш доирасидаги шахс психологияси, тафаккур психологияси, шахслараро ўзаро таъсир каби илмий масалалар кесишуvidан ўрин олган. Бу ҳодисанинг турли талқинлари, одатдагидек бир-бирига зид келмайди, лекин уларнинг ҳар бирида ўрганилаётган тушунчанинг мураккаблиги ва кўп қирралилиги таъкидланган ҳолда унинг алоҳида томонларигина ажратилади. А.В.Килунинанинг фикрича, касбий рефлексия мутахассиснинг ўз ички психологик ҳолати ва хусусиятларини англаш жараёни ҳисобланади.

В.С.Нургалеев касбий рефлексия деганда, нафақат ўз хатти-ҳаракати ва фикрларини кузатиш қобилиятини, балки унинг ҳаракатлари ва фикрларини бошқа бир кишининг нуқтаи назаридан тадқиқ қила олиш қобилиятини тушунишни тақлиф қилади [98]. Г.С. Пянкова мулоқот жараёнида касбий рефлексия ривожланишини ўрганиб, уни шахслараро ўзаро ҳаракатларда вазиятни аниқлаш контекстида бошқани билишнинг муҳим механизми сифатида белгилайди. О.А.Корнилова томонидан касбий рефлексия, бир томондан, шахслараро идрок қилишни таъминловчи, бошқа томондан, ўзаро таъсир учун қийинчиликларни яратувчи мураккаб феномен сифатида талқин қилинади.

Тадқиқ этилаётган масала бўйича илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, педагогик фаолиятда касбий акс эттириш ўзининг касбий жиҳатдан аниқланган ўзига



хос хусусиятларига эга бўлиб, у фаолиятнинг икки субекти мавжудлиги ва бошқа, мазмунан, фаолият йўналиши бўйича турлича бўлган фаолият турига киритилиши билан изоҳланади. Талаба педагогик таъсир кўрсатиш объекти ва шу билан бирга, билиш фаолиятининг субекти, ўқитувчи ўқувчига нисбатан ўқув фаолиятининг субекти ва билим объекти вазифасини бажаради. Шунингдек, педагогик фаолиятнинг амалга ошадиган шакли, одатда, алоқа эканлигини, демак, тегишли ижтимоий-психологик қонуниятлар педагогик фаолиятга ҳам хос эканлигини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир. Маълумки, педагогик фаолият шахс-шахс туридаги фаолият синфига мансуб бўлиб, М.В.Романова таъкидлаганидек, бу ҳолатда мутахассиснинг рефлексияси мулоқот иштирокчиларининг ўзаро таъсир, ўз-ўзини билиш ва ўзаро тушуниши билан фарқланади. Шундан келиб чиққан ҳолда педагогик фаолиятда касбий рефлексиянинг шахслараро соҳаси ўзига хос аҳамият касб этади, шунингдек, ўрганилаётган ҳодисанинг интеллектуал доираси ҳам муҳим ҳисобланади.

Касбий рефлексиянинг анъанавий психологик таърифини бериб, бир қатор муаллифлар ўрганилаётган ҳодиса асосан ўз танаси, ҳаракатлари, фикрлари билан боғлиқ кузатувчи, тадқиқотчи ёки назоратчи позисиясида туриш қобилиятини акс эттиришини таъкидлайдилар. Рефлексия муаммосини таҳлил қилиш уни шахснинг, субектнинг ўзига хос идеал фаолияти, деб ҳисоблашга имкон беради. Шу муносабат билан тадқиқотчилар қуйидаги мазмун жиҳатларни ажратиб кўрсатадилар:

- ✓ рефлексия предмети;
- ✓ рефлексия мотивлари;
- ✓ рефлексив кўникма ва ҳаракатлар.

Назарий таҳлил натижалари асосида бўлажак педагогларнинг касбий рефлексиясини ривожлантириш учун самарали ижтимоий-психологик шарт-шароитларни илмий асосланган ҳолда тайёрлаш учун илгари ўрганилган ҳодисанинг мазмун хусусиятлари аниқланди. Шу билан бирга, бизнинг фикримизча, юқорида қайд этилган тузилмадан фойдаланиш, ушбу мавзу доирасида уларнинг бўлажак педагогларга нисбатан батафсилроқ тушунтиришни талаб қилади. Шу мақсадда бўлажак педагог касбий рефлексиясининг илгари аниқланган мазмун хусусиятларини эксперт баҳоси ташкил этилди ва ўтказилди. Олий ўқув юртларида ўқитувчилик тажрибасига эга бўлган педагоглар, шунингдек, аёл ҳамда эркак мутахассислар таълим менежерлари сифатида тақлиф этилди.

Ушбу муаммонинг долзарблиги замонавий педагогга уларнинг ички дунёсига эътибор бериш, касбий ривожланиш йўлини башорат қилиш, келажакда рақобатбардош профессионал ўқитувчи имиджини англаш ва уни ўз касбий муҳим фазилатлари, ўз-ўзини ривожлантириш, ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини тарбиялаш ва узлуксиз ўз-ўзига таълим бериш кўникмаларида намоён бўлган рефлексив шахс сифатида белгиланади.

Тадқиқот давомида психология фанида касбий рефлексия муаммосини ўрганишнинг назарий таҳлиллари амалга оширилди, унинг доирасида ўрганилаётган концепсия ва унинг моҳияти кўриб чиқилди, унинг педагогик фаолиятдаги роли ва аҳамияти, шунингдек, унинг муҳим хусусиятлари таъкидланган. Махсус ўтказилган эмпирик тадқиқотлар давомида бўлажак педагог касбий рефлексиянинг таркибий қисмлари ва ҳозирги ҳолати аниқланди. Олинган натижаларга асосланиб, бўлажак педагогларнинг касбий рефлексиясини ривожлантириш бўйича ижтимоий-психологик тренинг тайёрланди ва унинг амалий самарадорлиги синовдан ўтказилди.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ахмадов Н. Р. ПРИЧИНЫ СУИЦИДОВ В ДЕТСКОМ И ПОДРОСТКОВОМ ВОЗРАСТЕ //Рекомендовано к печати Ученым советом Института психологии имени ГС Костюка НАПН Украины (Протокол № 14 от 28 декабря 2020). – 2020. – С. 14.
2. Axmadov N., Ostanov S. РОЛЬ ПСИХОЛОГИЧЕСКОГО ЗДОРОВЬЯ СТУДЕНТОВ В УЧЕБНЫЙ ПРОЦЕСС //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 3. – №. 3.
3. Akhmedova M. et al. Categories of person in conflict and methods of conflict resolution in the occurrence of conflicts between medical personnel. – 2021.
4. Баратов Ш. Р., Сабирова Д. А. Социальный интеллект как необходимое качество педагога //История российской психологии в лицах: Дайджест-ISSN 2415-7953 (РИНЦ). – 2016. – №. 6.
5. Назаров А. М., Рустамов Ш. Ш. АНАЛИЗ ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ ДАННЫХ С ПОМОЩЬЮ ПРОГРАММЫ SPSS //ББК 71.0 И74 Редакционная коллегия Ответственный редактор. – 2019. – С. 187.
6. Tursunaliyevna A. M., Karimovna N. Y. МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ МУАССАЛАРИДА МАДАНИЙ-ГИГИЕНИК МАЛАКАЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ-БОЛАЛАР ОРГАНИЗМИНИНГ ИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШИДА МУНИМ ВОСИТА //INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL. – 2022. – Т. 3. – №. 1. – С. 98-103.
7. Нарметова Ю. К. ПСИХОСОМАТИК БЕМОРЛАРНИНГ ПСИХОЭМОЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ //INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL. – 2022. – Т. 3. – №. 2. – С. 21-28.
8. Нарметова, Ю.К. and Ахмадова, М.Ш. 2022. ПСИХОСОМАТИК КАСАЛЛИК БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ. *Interdisciplinary Conference of Young Scholars in Social Sciences*. (Jan. 2022), 339–342.
9. Нарметова Ю. ИНТЕГРИРОВАННЫЙ ПОДХОД КАК ВАЖНЫЙ ФАКТОР РЕШЕНИЯ ПРОБЛЕМЫ ПОДГОТОВКИ КЛИНИЧЕСКИХ ПСИХОЛОГОВ //ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА. – 2017. – Т. 34. – №. 3. – С. 57-58.
10. Нарметова Ю. СПЕЦИФИКА РАБОТЫ ПСИХОЛОГА В КЛИНИКЕ ВНУТРЕННИХ БОЛЕЗНЕЙ //ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА. – 2016. – Т. 33. – №. 4. – С. 53-57.
11. Sobirova D. A. et al. Studying the social intelligence of health personals as a socio-psychological problem //International Journal of Psychosocial Rehabilitation. – 2020. – Т. 24. – №. 2. – С. 375-379.
12. Abdurozikovna S. D. Social intelligence: general defining moment //Austrian Journal of Humanities and Social Sciences. – 2014. – №. 3-4. – С. 154-155.



13. Rahmat o'g'li A. N., Oybek o'g'li D. S. Preventing the formation of suicidal risk in adolescents under the influence of interpersonal relationships //INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND TECHNICAL JOURNAL "INNOVATION TECHNICAL AND TECHNOLOGY". – 2020. – Т. 1. – №. 2. – С. 37-41.
14. Rustamov S. Usage Method of SPSS Software in the Processing of Psychological Data //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 7. – №. 7.
15. Мелибаева Р. Н. ИЗ ИСТОРИИ ВОПРОСА ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОГО ИССЛЕДОВАНИЯ МЫШЛЕНИЯ В ТРУДАХ ПСИХОЛОГОВ СОВЕТСКОГО ПЕРИОДА //INTERNATIONAL SCIENTIFIC REVIEW OF THE PROBLEMS AND PROSPECTS OF MODERN SCIENCE AND EDUCATION. – 2018. – С. 125-127.